

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ
Кузатув кенгашининг 2019-йил
29 ноябрдаги
87-сонли баённомаси билан
тасдиқланган

**“ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИҲА” АЖ
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ҲАҚИДАГИ
НИЗОМ**

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Жамиятнинг ички аудит Хизматини асосий вазифалари ва функциялари.
3. Жамиятнинг ички аудит Хизматини ҳуқуқлари ва ажбуриятлари.
4. Жамиятнинг ички аудит Хизматиға талаблар. Жамиятнинг ички аудит Хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш.
5. Жамиятнинг ички аудит Хизматини мустақиллиги.
6. Ички аудитни ўтказишға талаблар ва уни ўтказиш натижалари бўйича жамловчи (жамлама) ҳисоботни тузиш.
7. Жамиятнинг ички аудит Хизматининг жавобгарлиги.
8. Якуний ҳулоса.

1. Умумий қоидалар

1.1. "Ўзкимёсаноатлойиха" Акциядорлик жамиятининг мазкур Низоми (матн давомида –Жамият) Жамиятда ички аудитни ташкил этишга ягона талабларни ўрнатади, ҳамда унинг ишида методологик асосларни ташкил этишни белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2016-йилдаги "Устав фондида улуши билан корхоналарни самарали бошқаришни таъминлаш бўйича ва давлат мол-мулкани тегишлича ҳисобга олиш бўйича чора-тадбирларни ҳақида"ги 215-сонли қарорининг 2-сонли иловасига ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ички аудит хизмати – Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тузиладиган, ички аудитни амалга оширувчи Жамиятнинг структурали бўлинмаси.

2. Жамиятнинг ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Ички аудит Хизматининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Жамиятнинг Ижроий органи ишини, у томонидан қонунчилик, Жамият Устави ва бошқа ҳужжатлар талабларига риоя этиш мониторингини олиб бориш ва текшириш йўли билан назорат қилиш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботлардаги акс этган маълумотларнинг тўлиқлигини ва ишончилигини таъминлаши, хўжалик операцияларни амалга оширишда ўрнатилган қоидалар ва процедураларни таъминлаши, активларни сақланиши, ҳамда Жамиятни бошқариш бўйича, қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этиши:

- Кузатув кенгашига ишончли ахборотлар билан таъминлаши ва ички аудитни амалга ошириш натижалари бўйича Жамиятнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаши;

- Жамиятнинг бошқарув органига, ички аудитда аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича тавсияларни оператив (тезкор киритиши), уларни бартараф этиш учун назоратни амалга ошириши.

2.2. ички хизмат аудитининг асосий функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

-мазкур Низомдаги 6.1. бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширувларни ўтказиш йўли билан ички аудит амалга оширилади (ҳар чоракда ва ҳисобот йили натижалари бўйича);

- тузилаётган хўжалик шартномаларини улар қонунчилик талабларига мослиги предметиға экспертизаларни ўтказиш;

- Жамиятнинг структурали бўлинмаларига бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисоботни тузишда услубий ёрдам кўрсатиши, уларға солиқ, молия, банк ва бошқа қонунчилик масалалари (саволлари) бўйича маслаҳатлар бериш (консултировка);

-Жамиятнинг Кузатув кенгашиға техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашға, ҳамда аудиторлик текширишни ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотни танлашда тавсияларни тайёрлашда ёрдам кўрсатиши.

3.Жамиятнинг ички аудит ҳужжатининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3.1. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларға эға:

- Жамиятдан ҳужжатларни олишға (буйруқларни, раҳбарнинг фармойишларини, бошқарув органининг қарорларини, маълумотномаларни, ҳисоб-китобларни, зарур бўладиган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини ва бошқа ҳужжатларни), ички аудитни амалға оширишда келиб чиқадиган саволлар бўйича Жамиятнинг мансабдор ва жавобгар шахслардан оғзаки ва ёзма тушунтириш хатларини олишға;

- Ички аудитни ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун Жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқиға эға.

3.2. Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

- ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва қонунчилик бошқа далолатномалари (хужжатлари) талабларига риоя этишга;
- мазкур Низомнинг 6.2.-6.7. бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботларни (тайёрлаш) тузишга;
- молиявий ва статистик ҳисоботларнинг кўрсаткичлари ишончилигини текширишга;
- ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотларнинг конфиденциаллигига риоя этишга;
- Жамиятнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан унга зиён етказиши ҳақида хабарлар келганида, фактлар аниқланган (сезилган) ҳолатида, бу ҳақида Жамиятнинг Кузатув кенгашига зудлик билан хабар бериши керак ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни амалга оширишга;
- қонунчиликда ўранатилган тартибда, активларни инвентаризациясини ўтказишда ва назорат қилишда, унинг ўз вақтида амалга оширишда қатнашишга.

3.3 Ички хизмат аудити қонунчиликка ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Жамиятнинг ички аудит хизматиға талаблар. Жамиятнинг ички аудит хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш

4.1. Ички аудит хизмати ходимлари камида икки йиллик охириги ўн йил давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молияёки солиқ назорати соҳаларида амалий иш стажига эга бўлишлари керак (шу жумладан ўриндошлик бўйича ҳам) ва қуйидаги талабларнинг бирига жавоб бериши керак:

- ички аудитор сертификатига эга бўлиши;
- Ўзбекистон Республика олий ўқув муассасаларида олинган олий иқтисодий маълумот ёки хорижий давлатларнинг ўқув муассасаларида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга (маълумотга) эквивалент (тенг) деб ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификациядан ўтказиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда республика профессионал жамоавий аудиторлар жамиятлари томонидан белгиланади.

4.2. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларини самарали эришиш ва масалаларни ҳал этиш учун етарли бўлиши керак, ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан камида иккита сертификатга эга ички аудитор миқдорига белгиланади.

4.3. Ички аудит хизматини ички аудитор сертификатига эга раҳбар уни бошқаради.

Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизматининг йиллик ҳаражатлар сметасини тузади ва уни Жамиятнинг Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

4.4. Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал (касбий) даражаси, тегишли лицензияга эга бўлган, тизимли асосда ўқув муассасаларида уларнинг малакасини ошириш воситалари билан доимо кўллаб-қувваталниши керак.

4.5. Ички аудит хизмати ходимлари ҳар йили Жамиятнинг Кузатув кенгашида аттестациядан ўтишлари керак.

Ички аудит хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш мақсадида, Кузатув кенгаши ички аудит хизмати тасдиқланган иш режасини бажариш масаласи бўйича ҳар бир ходимнинг ҳисоботини эшитади, ҳамда маълумотини иш тажрибасига мувофиқлигини ва малака сертификати мавжудлигини текширишни амалга оширади.

5. Ички аудит хизматининг мустақиллиги

5.1. Ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини эгаллаган лавозимларига тайинлаши ва озод этиши (тўхтатиши), Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори бўйича уларга иш ҳақлари миқдорини ва бошқа тўловларни белгиланиши;
- Жамиятнинг Кузатув кенгашига бевосита бўйсиниши.

6. Ички аудитни ўтказилишига талаблар ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисоботни тузиш

6.1. Ички аудитни текшириш ва мониторинг ўтказиш йўли билан ички аудит хизмати ходимлари фақат амалга оширилади:

- тасдиқланган Бизнес-режани бажарилишининг бориши;
- Корпоратив бошқаруви принципларига риоя этилиши;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ҳолати;
- солиқларни ҳисоблаш ва тўланиши ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғрилиги;
- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- активларнинг ҳолати;
- ички назоратнинг ҳолати.

Йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар бўйича ахборотни тақдим этиши.

Кузатув кенгаши томонидан, корхонанинг соҳасидан (профилидан) келиб чиқиб, қонунчиликка мувофиқ текширишни амалга оширишда бошқа йўналишлар белгиланган бўлиши мумкин.

6.2. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, уларни бевосита ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) Бизнес-режани бажарилишининг боришини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- уни бажарилишида сон ва сифат кўрсаткичларининг таҳлили;
- айбдор мансабдор шахсларни персонал кўрсатилиши билан, уни бажаришини таъминламаган ҳолатида аниқланган сабабларни (тавсифлаш) баён этиши;

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя этишни текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагиларни киритилиши керак:

- Жамиятнинг бошқарув органи томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини таҳлили, уни қатнашчиларининг (таъсисчиларининг) қонуний ҳуқуқларига ва манфаатларига риоя этилиши;

- корпоратив бошқарув соҳасида қонунчиликнинг бузилиш фактларини баён этилиши (тавсифланиши) (таъсис ҳужжаталарига риоя этилиши, Жамиятнинг бошқарув органларининг умумий йиғилишларини ва мажлисларини ўтказилиши, дивидендларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва б.);

в) корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларининг ҳолатини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- бухгалтерия ҳисоботини (ҳисоби) олиб борилишида ва молиявий ҳисоботини тузишда ўрнатилган тартибга риоя этилишини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисобини олиб борилишида ва молиявий ҳисоботни тузишда белгиланган тартибни бузилиши аниқланганини баён этилиши (тавсифлаш);

г) солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши ва тўланиши тўғрилигини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри тузиши ва тегишли органларга ҳисоб-китобларни тақдим этишни баҳолаш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши ва тўланиши тўғрилигини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри тузиши ва тегишли органларга ҳисоб-китобларни тақдим этишни баҳолаш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда ва тўлашда, солиқ солиш базасини аниқлашдаги чекланишлар, белгиланган тартибдаги бузилиш фактларни баён этиши (тавсифлаш).

д) молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунчиликка Жамият томонидан риоя этилишини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- молиявий-хўжалик операцияларини Жамият томонидан амалга оширишда қонунчиликка мослигини баҳолаш;

- молиявий-хўжалик операцияларини Жамият томонидан амалга оширишда қонунчиликка мос эмаслиги ички аудитни олиб борилишида аниқланганлигини баён этилиши (тавсифлаш).

е) ички назорат ҳолатини текширишдаги натижалар ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар киритилиши шарт:

- ички назорат тизимини баён этилиши ва ундаги бор камчиликларни (юритилиши) ишлатилишини баён этилиши;

- Жамиятнинг структурали бўлимларида ижро интизоми ҳолати ҳақидаги маълумотларни ва унинг аниқ (конкрет) ходимларини ишдаги бор камчиликлари ҳақидаги маълумотларни.

Активлар ҳолатини текшириш натижалари активларни инвентаризация қилишга асосланиши керак ва уларни ҳаракатланиши, ҳақиқий мавжудлиги ва сақланиши ҳақидаги маълумотларни киритилиши керак.

ж) йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар бўйича ахборотларни тақдим этиши. Ҳамда ўтказилаётган текширувлар бўйича ҳамма ҳисоботлар корхонанинг Ижроий органи ва унинг структурали бўлимлари фаолиятига баҳолашини, киритилган натижавий қисмдан, аниқланган чекинишлар ва бузилишларни бартараф этиш бўйича тавсияларни, тасдиқланган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетга эга бўлишлари керак.

6.3. Мазкур Низомнинг 6.1. ва 6.2. бандларига мувофиқ ички аудит ўтказилгандан кейин натижаларига кўра, ички аудит хизмати раҳбарининг имзоси билан ялпи ҳисобот тузилади.

6.4. Ялпи ҳисоботга қуйидагилар киритилиши керак:

- таҳлилий қисм;

- якуний қисм;

- тасдиқланган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

6.5. Ялпи ҳисоботнинг таҳлилий қисмида мазкур Низомнинг 6.1. ва 6.2. бандларига мувофиқ ички аудит ходимлари томонидан тасдиқланган текширишларнинг натижалари ҳақидаги умумлаштирилган ахборот киритилиши керак.

6.6. Ҳисоботнинг якуний қисми қуйидагилар эга бўлиши керак:

- Жамиятнинг Ижроий органи ва структурали бўлимлари фаолиятига умумий баҳолашга, ҳамда уни ликвидлигига;

- аниқланган чекланишлар ва бузилишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсиялари, ҳамда Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича умумлаштирилган таклифларни, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришни.

6.7. Ялпи ҳисобот ички аудит туганидан сўнг ўн кун давомида тайёрланган бўлиши керак.

6.8. Ялпи ҳисоботлар кўриб чиқишга тасдиқлаш учун Жамиятнинг Кузатув кенгашига бевосита тақдим этилиши керак. Ҳисоботларнинг нусхалари улар тасдиқлангандан кейин Жамиятнинг бошқармасига тақдим этилиши керак.

6.9. Жамиятнинг Бошқармаси ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чораларни қабул қилиши шарт.

6.10. Ички хизмат аудити текшириши жараёнида сезилган (аниқланган) бузилишларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз вақтида ва тегишлича бажарилиши учун,

ҳамда Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг тўлиқ самарадорлигини ошириш бўйича назоратни ўрнатиши керак.

7. Жамиятнинг ички аудит хизматининг жавобгарлиги

7.1. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

- улар томонидан ўтказилган текширишларни хато (ноғўғри) берилишига;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этган ахборотни конфиденциаллигига риоя этмаганлигига, у томонидан тақдим этилишида ёки у томонидан хизмат вазифасини бажариши сабабли маълум бўлганлигига;

- олинган ҳужжатларни сақланишини қайтарилишини таъминлашига.

7.2. Ички аудит хизмати аудиторлик текшириш жараёнида аниқланган бузилишларни бартараф этиш бўйича ва Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган чораларни баҳолаш учун жавоб беради.

7.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳар чоракда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ва Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича, қабул қилинган чоралари билан текшириш натижалари ҳақида ички аудит хизматининг ҳисоботини эшитади.

8. Яқуний хулоса.

8.1. Агарда қонунчиликда ва Жамият Уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан кўра бошқача Низом белгиланган ҳолатида, бундай вазиятда қонунчилик ва Жамият Уставининг Низоми қўлланилади.